# СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР ҚАРДОШ ПАРТИЯЛАРИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТЛАРИ СЕКРЕТАРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

1983 йил 20 сентябрда Москвада социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетлари секретарларининг халқаро ва идеология масалаларига бағишланган кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда қуйидагилар қатнашдилар:

Болгария Коммунистик партиясидан — БКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари М. Балев, БКП Марказий Комитети секретари Д. Станишев, БКП Марказий Комитети секретари С. Михайлов;

Венгрия Социалистик ишчи партиясидан — ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари М. Овари, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари Д. Ацел, ВСИП Марказий Комитети секретари М. Сюреш;

Вьетнам Коммунистик партиясидан — ВКП Марказий Комитети секретари Хоанг Тунг;

Германия Бирлашган социалистик партиясидан — ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари К. Хагер, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари Г. Аксен, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари И. Герман;

Куба Коммунистик партиясидан — Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретариати аъзоси А. Перес Эрреро;

Лаос Халқ революцион партиясидан — ЛХРП Марказий Комитети секретари С. Виякет;

Монголия Халқ революцион партиясидан — МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари Д. Гомбожав, МХРП Марказий Комитети секретари Г. Адья;

Польша Бирлашган ишчи партиясидан — ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари Ю. Чирек, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари Я. Глувчик, ПБИП Марказий Комитети секретари М. Ожеховский;

Руминия Коммунистик партиясидан — РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари М. Добреску, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари П. Енаке;

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитети секретари К. В. Русаков;

Чехословакия Коммунистик партиясидан — ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзоси, Марказий Комитет секретари В. Биляк, Президиум аъзолигига кандидат, ЧКП Марказий Комитети секретари Я. Фойтик.

Кенгаш ишида қардош партиялар Марказий Комитетлари бўлим мудирлари ва ўринбосарлари, бошқа масъул ходимлар ҳам иштирок этдилар.

Фикрлашув давомида Европада ўртача олисликка учириладиган янги ядро ракеталарининг жойлаштирилишига қарши, ўртача олисликка учириладиган мавжуд воситаларни камайтириш учун, Европани ўртача олисликка учириладиган, шунингдек тактик ядро қуролларидан тамомила холи қилиш учун, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг шу мақсадларга эришишга қаратилган ташаббуслари асосида халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун кураш кучайиб кетганлиги муносабати билан сиёсий, идеологик ва ахборот-пропаганда ишларининг муҳим проблемалари кўриб чиқилди. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг Прагадаги кенгашида ва социалистик мамлакатлар раҳбар партия ҳамда давлат арбобларининг Москва учрашувида қабул қилинган ҳужжатлардаги ғоялар ва таклифларни амалга ошириш йўлида бундан кейинги ишлар муҳокама қилинди.

Кенгаш иштирокчилари Ғарбий Европанинг НАТОга аъзо бўлган бир қанча мамлакатларида Америка янги ракеталарининг жойлаштирилиши барча халқлар учун ядро хавфини ғоят кучайтириб, бутун халқаро вазиятнинг жиддий равишда ёмонлашувига сабаб бўлур эди, деб ҳисоблайдилар. Шу муносабат билан ҳарбий устунликка эришишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларга қарши қатъий кураш олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

АҚШ ва унинг баъзи иттифоқчилари шундай мақсадни ўз олдиларига қўйганликларини ошкора кўрсатмоқдалар. Ядро урушига «йўл қўйилиши» мумкинлиги тўғрисидаги, ядро қуролини биринчи бўлиб қўлланишнинг «тўғрилиги» ҳақидаги концепцияларнинг хатарли эканлигини фош қилиш — муҳим вазифадир.

Империалистик доиралар биринчи навбатда Америка империалистлари халқаро муҳитни янада кўпроқ заҳарлаш ва ўзларининг ракета планларини амалга оширишга эришиш мақсадида иғвогарлик ҳуружларидан ҳам бош тортмаётганликларини кейинги воқеалар кўрсатиб турибди. Ҳолбуки, ҳозирги вақтда қулай вазият яратишга кўмаклашадиган тадбирларни ҳар қачонгидан кўпроқ амалга ошириш ва вазиятни мураккаблаштирувчи ҳаракатларга йўл қўймаслик зарур. Кенгаш иштирокчилари барча давлатлар халқлар олдидаги масъулиятни англаб, тинчлик ва халқаро хавфсизлик манфаатларига амал қилиб иш кўришлари керак, деб ҳисоблайдилар.

Кенгашда социалистик мамлакатларнинг қуролланиш, биринчи навбатда ядровий қуролланиш пойгасини хатарли равишда кучайтиришнинг олдини олишга, шу қуролларни камайтириш ва тугатишга қаратилган янги ташаббуслари; Европада ядро қуролларини чеклаш тўғрисида Женевада олиб борилаётган музокараларда СССРнинг илгари сурган таклифлари, шу жумладан ўртача олисликка учириладиган камайтириладиган ракеталарни тугатиш тўғрисидаги таклифлар катта аҳамиятга эга эканлиги уқтириб ўтилди. Кенгаш иштирокчилари ҳамкорлик, масъулиятни ҳис этиш, тенглик ва бир хил хавфсизлик руҳидаги Женева музокараларида Европа халқларининг орзу-умидларига мос бўлиб тушадиган ўзаро мақбул аҳдлашувга эришиш муҳим эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Мадридда бўлиб ўтган учрашувнинг муҳим ва кескин халқаро проблемаларни ўзаро мақбул асосда ҳал этиш мумкин эканлигини кўрсатган ижобий якунларига юксак баҳо берилди.

Кенгаш иштирокчилари социалистик давлатлар тинчлик йўлидаги ташаббусларининг мазмунини ва аҳамиятини чуқур ва ҳар тарафлама очиб бериш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар, қурол-яроғларни чеклаш ва камайтириш, тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ядро можароси хавфининг реаллигини англаётган турли сиёсий ва жамоат кучлари ўртасидаги мулоқотни кенгайтириш мақсадида барча социалистик мамлакатларнинг биргалашиб ёки алоҳида-алоҳида ҳаракат қилишлари муҳим эканлигига эътибор бердилар.

Империалистларнинг агрессив сиёсатига қарши, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида кескинлик ва танг вазиятлар ўчоқларини тугатиш мақсадида халқлар олиб бораётган кураш билан бирдамлик яна бир карра изҳор этилди.

Кенгашда қатнашган қардош партияларнинг идеология ва ахборот-пропаганда соҳаларидаги ҳамкорлигининг муҳим масалалари кўриб чиқилди.

Кенгаш ўртоқлик ва интернационал бирдамлик вазиятида ўтди.

*СЎЗ—«НИЛУФАР» МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИГА*

# СЕРМАЗМУН ФАОЛИЯТ

**Анатолий СОФРОНОВ,**
**Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, халқаро «Нилуфар» мукофоти лауреати, «Огонёк» журналининг бош редактори.**



— «...Сизларга маълумки, Шарқий Африка империалистик давлатларнинг зулми остида ҳолдан тойган эди. Африка ҳам ўз истиқболини яратиши керак». Занжибарлик Ражаб Солиҳ Салим бундан чорак аср муқаддам бизга йўллаган хатида ана шундай деб ёзган эди. Шунингдек, у «ўрта мактабни тамомладим ва шундан кейин шароитим кўтармаганлиги сабабли ўқишни давом эттира олмадим», деб зорланган эди. Сир эмас, ўша даврда минглаб африкалик ёшлар ана шундай армон билан яшардилар. Бугунги кунда эса уларнинг аксарияти жонажон Африкасининг истиқболини барпо этмоқда.

Куни кечагидек эсимда, бундан йигирма беш йил муқаддам Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театрининг муҳташам биносида Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Биринчи конференцияси очилди. Дафъатан ана шу ерда «Тошкент руҳи» деган учқур ибора жаранглади ва у ҳамон офтоб янглиғ замин узра кезиб юрибди. «Тошкент руҳи» бирдамлик руҳи, тинчлик учун, озодлик ва мустақиллик учун, Осиё ва Африка ёзувчиларининг жипслашган бирдамлиги учун кураш руҳи. Бу руҳ боқий яшаяпти.

Мен ҳикоямни бежиз Р. С. Салимнинг мактубидан бошлаганим йўқ. Икки қитъа адиблари биринчи анжуманидан кейин ўтган давр ичида жаҳоннинг сиёсий харитасида мисли кўрилмаган ўзгаришлар содир бўлди. Ўз эрки йўлида курашган қатор халқлар озодликни қўлга киритди. Мустамлакачилик зулмидан халос бўлган мамлакатлар дадил тараққиёт йўлига кирди, бу янги мамлакатларнинг навқирон адабиёти камол топди. Тинчлик, тенглик ва бирдамлик йўлидаги адолатли курашнинг олдинги жабҳаларида ҳамиша адиблар-у шоирлар туришди. Чунки асримиз шуни тақозо этади. Зеро, Юсуф ас-Сибоий айтганидек, ёзувчи ва гражданин — бу иккала сўз ҳам бир маънони билдиради. Халқларнинг миллий озодлик учун курашида ёзувчилар муҳим роль ўйнайдилар. Ёзувчи бу — курашчи, демакдир. 17 йил умрини қамоқда ўтказса-да, юксак идеаллар йўлида фаол курашган машҳур турк шоири Нозим Ҳикмат жасоратини таърифлашга тил ожиз. У Мисрнинг кўҳна маркази Қоҳирада ўтказилган икки қитъа мамлакатлари ёзувчиларининг Иккинчи конференциясида сўзлаган ёниқ нутқ ҳамон ёдимда. Конференция тўрт кун давом этди. У дўстона ижодий мулоқотларга бой бўлди. Эсимда, бир кун таниқли совет шоираси Зулфия билан суданлик шоира Ҳадича Сафват суҳбатининг устидан чиқдим. Зулфия сўради:

— Сиз нималар ёзасиз?

— Мен шеър ёзар эдим, — дея жавоб қилди Ҳадича.

— Нима, ҳозир ёзмайсизми?

— Йўқ...

— Нега?

— Ҳозир сиёсат билан шуғулланяпман.

— Ахир қуролини ташлашга шоирнинг ҳаққи йўқ-ку! Лирик шоир бўлиб, шеърларингизда халқингиз орзу-умидларини акс эттиришингиз мумкин-ку?!

— Бизда буни амалга ошириш қийин. Халқимиз адабий тилимизга тушунмайди.

— Сиз эса халқ тилига суянишга ҳаракат қилинг. Шунда халқингизга дилингизда бор гапни айта оласиз.

— Сизларда-чи, сизлар қандай қиласизлар? — деб сўради Ҳадича.

— Бизнинг адабиётимиз халқ тилига суянади. Шеър ёзишни ташлаб юборманг, Ҳадича!

— О, жуда муҳим фикр айтдингиз, опажон, — деди суданлик шоира...

Қаранг, оддий суҳбат нақадар ижтимоий мазмун касб этмоқда. Атоқли совет шоираси боши берк кўчага кириб қолган сафдошига катта ва равон йўл кўрсатмоқда. Шу суҳбат мисолида биз икки қитъа адибларининг ижодий мулоқотлари нечоғли катта самаралар бераётганлигини ёркин кўришимиз мумкин.

Орадан беш йил ўтди. Бу вақт ичида икки қитъа адабиёти сезиларли даражада ўсди, ўнлаб янги номлар юзага чиқди. Уларнинг аксарияти, энг фаол ва истеъдодлилари Байрутда ўтказилган Учинчи конференцияда иштирок этишди. Анжуманда меҳмон тариқасида иштирок этган мексикалик адиб Фернандо Бепитис суҳбат чоғи: «Бу катта воқеа... Биз, Лотин Америкаси ёзувчилари ҳам бу ташкилотга аъзо бўладиган кунлар келади, деб умид қиламиз. Бизга бу ерда сиёсат ҳақида ҳам, адабиёт ҳақида ҳам баравар гапиришлари ёқади!», деган эди. Дарҳақиқат, шундай. Асримиз адибини сиёсат ҳам, тинчлик ҳам, адабиёт ҳам бирдек ўйлантиради. Учинчи конференция чоғи тилга олинган бир факт ҳеч ёдимдан чиқмайди, уч йил ичида икки қитъа адибларининг асарлари мамлакатимизда 100 миллион нусхада чоп этилган экан. Бу миқёс йилдан йилга ўсиб бормоқда. 1978 йил «Прогресс» ва «Художественная литература» (Москва) нашриётлари «Осиё ва Африка ёзувчиларининг танланган асарлари кутубхонаси» туркумида ўн икки жилдлик нашрни чоп этишга киришган эди. Нашрнинг сўнгги жилдлари ҳадемай китобхонлар қўлига тегади. Икки қитъа адиблари, шоир ва драматургларининг адабий жараёнда из қолдирган энг баркамол асарлари танлаб олиниб, ушбу томларга жамланган. Нозим Ҳикмат, Азиз Несин, Файз Аҳмад Файз, Сембен Усмон каби улкан сўз санъаткорлари яратган асарлар бугунги кунда дунёдаги қатор мамлакатларда қайта-қайта нашр этилмоқда. Маҳмуд Дарвиш, Муин Бсису, Алекс Ла Гума, То Хоай, Сономин Удвол каби замондош адиблар номи халқлар қалбидан янада чуқур жой олмоқда. Икки қитъа адиблари асарлари биргина бизнинг мамлакатимизда салкам 70 тилда нашр этилган ва бу китоблар севиб ўқилмоқда. Бу факт икки маъно англатади: аввалambор, биз елкадошлар, дўстлар ютуғидан севинамиз, уларнинг дилбар асарларини, бинобарин, зафарларини кўз-кўз қиламиз, қолаверса, дунёда совет халқичалик китобхон халқ бўлмаса керак.

Шоирлар, йигирманчи аср нотинч, дейишади. Бу — рост. Аммо асримизда мислсиз ўзгаришлар бўлмоқда. Энг муҳими, бу ўзгаришлар яхши ўзгаришлардир. Инсоният ер юзини яшнатиш учун курашмоқда. Ва мана шу қувончли ишларни амалга ошираётган, ер юзини гуллатиб-яшнатаётганлар сафида «Тошкент руҳи» бирлаштирган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари ҳам борлиги, сафимиз тобора кенгаяётганлиги, сафдошларимиз адабиёт оламида улуғвор янгиликлар яратаётганлиги барчамизни бирдек қувонтиради. Мана шуларнинг барчаси икки қитъа адибларининг чорак асрлик фаолияти нечоғли сермазмун кечганлигини яққол намойиш этади. Уларнинг фаолияти бундан кейин ҳам ана шундай бўлиб қолади. Биз — ёзувчилар «Тошкент руҳи»дан илҳом олиб, адабиётларимиз тараққиёти йўлида ёниб ижод қиламиз, тинчлик, бирдамлик йўлида баҳамжиҳат курашамиз!

**«Эл соғлиғи — юрт бойлиги», — дейди Тошкент химия фармацевтика заводининг моҳир химиги Малика Бобохўжаева, — Буни яхши билган коллективимиз сўнгги йилларда олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликда ишлаб, турли хил касалликларга қарши кўплаб янги дори-дармонлар яратишди. Уларни тайёрлашда корхонамизнинг илғор доришунослари жонбозлик билан меҳнат қилмоқдалар.**

**СУРАТДА: моҳир химиклар — Малика Бобохўжаева билан Дилором Носирова ўртоқларни кўриб турибсиз. Улар янги дорилар тайёрлаш жараёнини кузатмоқдалар.**

**В. Сироткин фотоси.**



## *АВСТРИЯЛИК ЖУРНАЛИСТ БИЛАН СУҲБАТ*

20 сентябрь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов Кремлда Австрия Социалистик партияси правлениесининг аъзоси, АСП марказий органи «Арбайтер цайтунг» газетасининг бош редактори Манфред Шойхни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Н. А. Тихонов «Арбайтер цайтунг» газетаси редакциясининг энг муҳим халқаро проблемалар, энг аввало Европада Американинг янги ядро қуролини жойлаштиришнинг олдини олиш соҳасида СССРнинг позициясига, совет экономикасининг ютуқлари ва уни ривожлантириш проблемаларига тааллуқли саволларига жавоб қайтарди.

Совет — Австрия муносабатлари масалаларига алоҳида эътибор берилди, Совет Иттифоқи ва Австрия Республикаси чинакам тенг ҳуқуқли ўзаро фойдали ҳамкорликнинг яхши намунасини кўрсатаётганликлари уқтириб ўтилди. Иккала томоннинг эҳтиёж ва манфаатлари диққат-эътибор билан ҳисобга олинаётганлиги, шунингдек тинчлик ва халқаро хавфсизлик идеалларига содиқлик бу ҳамкорликка хос хусусиятдир. (ТАСС).

# ҲОСИЛ БАРАКАСИ

## ОНА ЗАМИН ХЎЖАЙИНЛАРИ БЎЛАЙЛИК

Қишлоқда яшовчи барча кишилар қувончли ўзгаришларни ҳис этмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми белгилаган ташкилий ва иқтисодий тадбирлар тўла кучга кира бошлади. Бошқаришнинг янги органлари фаол ишга киришмоқдалар. Колхоз ва совхозларда экономикани кўтариш, ташаббускорликни, тадбиркорликни кучайтириш учун қулай шароитлар яратилмоқда.

Партия ҳар бир кишида виждонан, ижодий меҳнатга эҳтиёжни, умум манфаати учун ишлаш зарурлигини тўла тушуниб олиш руҳини тарбиялаш вазифасини қўймоқда. Фикримизча, бу мақсадга эришишнинг энг мақбул воситаларидан бири коллектив пудратини кенг ўзлаштиришдан иборатдир. Коллектив пудрати, тажриба кўрсатаётганидек, кўпгина иқтисодий, тарбиявий ва социал вазифаларни ягона комплексда ҳал қилиш имконини беради.

Ҳозир областимизда далачиликда ҳам, фермаларда ҳам барча бўлинмалар нарядсиз системага ўтди. Натижа қандай бўляпти? Рақамларга мурожаат қилишдан олдин, менингча эътиборли бўлган бир фактни келтирмоқчиман. Кўп йиллардан буён шаҳарликлар ғўзани парваришлашда ёрдам бериб келишарди. Бу йил колхозлар, совхозлар оталиқ ташкилотларидан ёрдам сўрашмади. Бундай ёрдам учун бригада, звено «кассасидан» ҳақ тўлашга тўғри келади. Кўриб турибмизки, пудрат харажатларни яхшироқ ҳисоблашга мажбур этди. Маълум бўлишича, иш яхши ташкил этилганда, ўз кучлари билан тўла кифояланиш мумкин экан.

Киши ишлаган ҳақини олиши керак. Бу маълум ҳақиқат. Бироқ, ҳамиша ҳам меҳнатни ташкил этиш унинг унумдорлигини ўстиришни рағбатлантиравермасди. Одамлар гоҳида пировард натижалар тўғрисида кам қайғуришарди. Шу боис механизаторлар гектарларни «айлантиришаверарди». Экономикага зарар келтирувчи пировард натижаларга кўра ҳақ тўламаслик маънавий тарбияга ҳам зиён етказарди.

Бугун ҳар ким ҳақ ҳосилга боғлиқ эканлигини билади. Дала виждонан ишлангандагина эҳсонини аямайди. Айтайлик, Ангор районидаги «Қизил юлдуз» колхозида кўплар уч йил муқаддам кунлик нормани эплашолмасди. Энди бундайлар деярли йўқ. Сувчиларни олайлик. Илгарилари улар фақат битта ишни бажаришарди. Ўтган баҳор эса улар чопиққа ҳам, яганага ҳам чиқишди. Суғориш вақти келганда бошқа пахтакорлар ҳам бу ишга киришишди.

Пудратни ўзлаштириш ҳамиша ва ҳамма ерда бир текис бормади. Бу ўринда инерция кучи, шаклланган қарашлар, қарор топган одатларнинг таъсири катта. Коммунистлар бу янгиликни алоҳида назоратга олишди. Аввало, раҳбарларни, мутахассисларни пудрат фойдасига юз ўгиришга мажбур қилиш, уни мукаммал эгаллаб олишда ёрдамлашиш керак бўлди. Замонавий иқтисодий тафаккурни шакллантириш область ва район партия комитетлари ташкилотчилик ва тарбиявий ишининг мағизини ташкил этди. Бунда кескин бурилишга эришиш осон бўлмади. Лекин бошқа томондан олганда, бусиз муваффақиятни кўзлаб бўлмасди. Аста-секин ҳаракат қилдик, энг яхши тажрибада ўқитдик. Илғор хўжаликларнинг ўзида кўпдан-кўп иқтисодий семинарлар ўтказдик. Муз, таъбир жоиз бўлса, ўрнидан кўчди. Айтиш мумкинки, пудрат қишлоқдаги амалиётчилардан кўпчилигининг идрокини қамраб олди.

Янгича ишлашнинг натижалари қандай? Кўпгина иқтисодий кўрсатгичлар яхшиланди. Бу бёш йилликда олдинги беш йилликка қараганда йилига ўртача маҳсулот ишлаб чиқариш 24 процентга кўпайди. Суғориладиган ҳар бир гектар кейинги икки йилда икки баравар кўп даромад бера бошлади. Рентабеллик сезиларли кўтарилди. Зарар кўрувчи хўжаликлар қолмади.

Техникадан яхши фойдаланилмоқда. Тракторларнинг унумдорлиги кейинги йилдагина ўн саккиз процентга кўтарилди. Маҳсулот етиштириш учун харажатлар камайди, лекин ҳақ кўпайиб, эндиликда ойига 220-250 сўмни ташкил этмоқда. Айни пайтда меҳнат унумдорлиги жадал суръатлар билан (тахминан 8-10 процент) кўтарилиб бормоқда.

Пудрат ёрдами билан бизнинг зонамиздаги энг актуал вазифалардан бири — пахта-беда алмашлаб экишини ўзлаштириш вазифаси ҳал этилмоқда. Алмашлаб экиш, айтиш мумкинки, ҳосилнинг асоси. Лекин беданинг аҳамияти, фойдаси тўғрисида қанча гапирмайлик, уни далалардан узоқлаштиришаётганди. Айрим коллективлар кўпроқ тола беришга интилиб, барча майдонларни фақат пахта билан банд қилиб қўйишарди. Бироқ, яхши ниятлар кўпинча зарар келтириб чиқарарди. Бу экинни кўп йил муттасил бир далага экиб келишарди. Ўсимликнинг касалланиши, ҳосил ҳажми ва сифатининг пасайиши шундан.

Бригада пудратга ўтди. Унинг алмашлаб экишга муносабати ўзгардими? Ҳа. Юқори ҳосил олиш иштиёқи одамларни олимларнинг маслаҳатларига тобора қунт билан эътибор беришга рағбатлантирмоқда. Шунга қарамай, пахтакор беда, маккажўхори тўғрисида энг кейинги навбатда ўйлайди. Ер мўл пахта ва дон, шунингдек озуқа бериши учун алмашлаб экиш участкалари деб аталувчи бўликмалар тузилди. Область партия комитети мутахассислар, амалиётчилар фикрини ҳисобга олиб, бундай янгиликни маъқуллади. Аввалига уни бир қанча хўжаликларда текшириб кўрдик. Хўжалик ҳисобидаги коллективлар ўз афзалликларини бу ўринда ҳам тез кўрсатди. Масалан, Ленин йўли районида пахтанинг ҳам, маккажўхорининг ҳам, беда ва сабзавотларнинг ҳам ҳосилдорлиги сезиларли ошди.

Бундай коллективда, қоида тариқасида, бир неча пудрат бригадалари бўлади. Авваллари бундай бригадаларнинг бирида трактор бўшадими, қўшниларда иш ғоят тиғиз бўлса ҳам кўпинча ёрдамга келишмасди. Энди ҳамжиҳатлик мустаҳкам. Унинг асосида умумий манфаат — юқори ҳосил ётади. Ўзаро ҳисоб-китоблар яхши йўлга қўйилган. Бу техника билан кенг маневр қилишни таъминлайди.

Область, район партия комитетлари бундай участкаларни ташкил этишга агросаноат бирлашмалари кенгашларининг эътиборини жалб қилдилар. Семинарларда янги бўлинмаларнинг хўжалик ҳисоби шароитидаги иш якунлари муфассал қараб чиқилди. Эндиликда бундай коллективлар барча колхозлар ва совхозларда мавжуд. Умуман, область бўйича уларнинг сони 500 тадан ошди.

Ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан янги бўлинмаларга кимлар раҳбарлик қилаётганига боғлиқ бўлади. Область, район партия комитетлари кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишга алоҳида эътибор билан ёндашдилар.

Мисол учун Қумқўрғон районини олайлик. Бу ерда элликта алмашлаб экиш участкаси тузилди. Уларни қоида тариқасида олий ва ўрта махсус маълумотли агрономлар, инженерлар, экономистлар бошқара бошлашди. Участка бошлиқларининг ярмидан кўпи — коммунистлар. Бошқа районларда ҳам раҳбарларнинг бу бўғини сифат состави юқори.

Пудрат, хўжалик ҳисоби шароитларида фақатгина иқтисодий эмас, балки социал проблемаларни ҳам ҳал этиш осон. Ишлаб чиқариш бўлинмалари ҳаракатчан ва йирик бўлиб қолди. Одамлар учун яхши маиший шароитлар яратиш енгиллашди. Эндиликда участкаларнинг дала шийпонларида ошхоналар, болалар боғча-яслилари ёки уларнинг филиаллари ишлаб турибди. Демак, аёллар ҳам ижтимоий меҳнатда тобора активроқ қатнашмоқдалар.

Пудратнинг яна бир ажойиб афзаллиги бор: ишлаб чиқаришни бошқаришга ҳар бир ходим жалб этилади. Нарядсиз бригадалар ва участкаларда коллективларнинг кенгашлари иш олиб бормоқда. Коммунистлар бу органларнинг жанговарлигини, нуфузини, тарбиявий ролини оширишда кўп эътибор бераётирлар. Кенгашларга энг ҳурматли кишилар сайланган. Уларнинг ҳуқуқлари кенг. Улар пудрат шартномаларини тасдиқлайдилар. Ой сайин ҳар бир ходим иш якунларини қараб чиқадилар. Шунга кўра ходим моддий рағбатлантирилиши мумкин. Ёки интизомни бузганлиги, бракка йўл қўйганлиги учун жазоланиши мумкин. Кенгашлар техникадан, бошқа ресурслардан фойдаланиш, уларни тежаш масалаларини мунтазам қараб чиқадилар. Бригада жиддий санкцияларга, масалан, қўшимча ҳақнинг бир қисмидан маҳрум этишга мурожаат қилмоқдами? Очиғини айтсак, йўқ. Қоида тариқасида, суҳбатлар, танбеҳлар етарли. Коллективнинг қатъий сўзи сўм билан жазолагандан кам самара кўрсатмайди. Жарқўрғондаги «Коммунизм» колхозида шу баҳор ибратли воқеа рўй берди. И. Оллоназаров, У. Худоёров ва Ш. Чоршанбиев бир неча бор далага кечикиб чиқишди. Бригаданинг кенгаши ҳар бир интизомни бузувчи колхозчи билан суҳбатлашиб чиқди, уларни қаттиқ огоҳлантирди. Кенгашда ҳосил тўғрисидаги ташвишларни бошқаларнинг елкасига юклаш ярамаслиги шаъма қилинди. Яқинда мен бу ходимларнинг муваффақиятлари билан қизиқдим. Ўшандан буён бу ерда интизом тўғрисида гап очилгани йўқ. Бунга эҳтиёж ҳам бўлмади.

Пудрат қишлоқ меҳнати нуфузини оширади. Мўътадил иш ҳақи, коллективдаги соғлом маънавий муҳит ёшларни жалб этмоқда. Мактабларни битириб чиқаётган ёшлар ўз ихтиёрлари билан фақатгина механизаторлар бўлиб етишаётганлари йўқ (бизда илгарилари ҳам бу касб проблема эмасди), балки сут соғувчилар, чўпонлар, сабзавоткорлар бўлиб ишламоқдалар.

Ишлаб чиқаришни бошқаришни пудрат бригадалар ва участкалар ташкил этиш билан боғлиқ ҳолда қайта қуриш бизни кўпгина бошланғич ва цех партия ташкилотлари фаолиятига бошқача назар ташлашга мажбур этди. Дарвоқе, уларнинг структураси ҳам ўзгарди, коллектив ҳаётига таъсири кучайди. Илгарилари кўпгина бригадаларда бир-икки коммунист бўларди. Ҳатто партия группасини тузиш ҳам мумкин эмасди. Улар деярли тўрт минг бригаданинг фақат 176 тасидагина иш олиб борганлиги ҳам тасодифий эмас.

Йириклаштирилган участкаларда аҳвол бошқача. Уларда цех партия ташкилотлари тузилди. Бу ташкилотлар социалистик мусобақани ривожлантириш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, унумли меҳнат учун шароитлар яратишнинг муҳим вазифаларини ҳал эта олади.

Яқинда ташкил этилган партия ташкилотларининг кўпчилигида ишлар яхши бораётганлиги кўзга ташланиб қолди. Гагарин районидаги «КПСС XXIV съезди» совхозининг тўртинчи агроучасткаси коммунистлари, масалан, техникадан фойдаланишни назорат остига олишди. Бундан трактор бирон марта ҳам ишдан чиқишига йўл қўйилмаган фақат шу бўлимгина эмас, балки бутун хўжалик фойда кўрди. Совхоз партия комитети ташаббусни маъқуллади, илғорларнинг тажрибасини бошқа коллективлар ҳам жорий этмоқдалар.

Барча колхозларда ва совхозларда пудрат ўзлаштирилган, ҳозирдаёқ яхшигина натижаларга эришилган бўлса ҳам биз бу ютуқлар билан кифояланмаётирмиз. Область партия комитети, район партия комитетлари ўз вазифаларини хўжалик механизмини янада такомиллаштиришдан, иқтисодий иш савиясини оширишдан иборат деб билмоқдалар. Ҳал бўлмаган муаммолар кўп. Кўпинча ҳали фан ва амалиёт жавоб топмаган масалаларга дуч келмоқдамиз. Қийинчиликлар, тўсиқларни енгишга ишга бағоят садоқатли кишиларгина қодир. Область партия ташкилотлари мана шу муҳим фазилатни тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Бу йил қишлоқ меҳнатчилари учун енгил бўлмади. Шунга қарамай, ғалла, сабзавот маҳсулотлари, картошка, мева, бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш бўйича беш йилликнинг уч йили планлари анча ортиғи билан бажарилди. Пахта теримига киришилди. Унинг хирмони баракали бўлишига ишонамиз. Олдимизда 560 минг тонна хом ашё, унинг уч юз минг тоннаси — ингичка толали пахта сотиш вазифаси турадди. Дала меҳнатчисининг биринчи ёрдамчиси — пудрат одамларга ҳам, заминга ҳам янги куч берди.

**А. КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг биринчи секретари.**

(«Правда», 21 сентябрь).

## САМИМИЙ ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико амалий визит билан Москвада меҳмон бўлиб турган Кампучия Халқ революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Хун Сен билан 20 сентябрь куни Кремлда суҳбатлашди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида Совет—Кампучия икки томонлама муносабатларининг баъзи масалалари, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирувчи бир қанча актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Шу куни А. А. Громико Хун Сен шарафига нонушта зиёфат берди.

Зиёфат вақтида нутқ сўзланди. (ТАСС).

